

1-МОДДА.

НОМИ, МАНЗИЛГОҲИ ВА ЮРИДИК МАҚОМИ

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Компаниянинг тўлиқ номи:

- рус тилида: Акционерное Общество Внешнеторговая Компания «УЗИНТЕРИМПЭКС»;

- ўзбек тилида:

- « O'ZINTERIMPEKS» Ташқи Савдо Компанияси Акциядорлик Жамияти;

- «O'ZINTERIMPEKS» Tashqi Savdo Kompaniyasi Aksiyadorlik Jamiyati;

- инглиз тилида: Joint Stock Foreign Trade Company «UZINTERIMPEX».

Қисқартирилган номи:

• рус тилида: АО ВТК «УЗИНТЕРИМПЭКС»

• ўзбек тилида:

- « O'ZINTERIMPEKS» ТСК АЖ;

- «O'ZINTERIMPEKS» TSK AJ;

• инглиз тилида: JS FTC «UZINTERIMPEX».

1.3. Компаниянинг почта ва юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улўғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59 уй.

Веб-сайт: www.uzinterimpeks.uz

1.4. «O'ZINTERIMPEKS» Ташқи Савдо Компанияси Акциядорлик Жамияти, кейинчалик «Жамият» деб номланади, «INNOVATSIYA» Давлат акциядорлик ташқи савдо компаниясидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 октябридаги 368 сонли қарорига мувофиқ қайта ташкил қилинган. «Компания» Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг «Инновация» РХХТСБ давлат корхонасини Давлат Акциядорлик Ташқи Савдо Компаниясига айлантириш тўғрисидаги 1996 йил 26 апрелидаги 170 пп-р сонли Фармойишига асосан ташкил этилган.

Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «O'ZINTERIMPEKS» Давлат Акциядорлик Ташқи Савдо Компаниясининг номи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 Фармонида мувофиқ «O'ZINTERIMPEKS» Ташқи Савдо Компанияси Акциядорлик Жамияти номига ўзгартирилган.

1.5. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Жамият мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқаридаги банкларда ҳисоб варақлари ва бошқа варақларга эга, ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.7. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.8. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

1.9. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгардир.

1.10. Жамият ўз акциядорлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида кўтарадилар.

1.11. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шундек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Ҳайрия, ҳомийлик ва бошқа ижтимоий фаолият билан боғлиқ беғараз тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган йиллик ҳаражатлар Жамиятнинг ўтган йилда олинган соф фойдасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим ва Жамият ўтган йилги бизнес-режа кўраткичларини соф фойда қисми бажарилган ҳолда амалга оширилади, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини бажариш учун ҳайрия тўловларини амалга ошириш ҳолатлари бундан мустасно

(Ҳасмонлар, Қарорлар, Фармойишлар, баён қарорлари, топшириқлар).

2 МОДДА МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади акциядорлар манфаатларида молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Жамият фаолияти доираси қуйидагилардан иборат:

- бириктирилган товарлар ва хизматлар номенклатураси бўйича экспорт-импорт операцияларни амалга ошириш;

- деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари маҳсулотини экспортини ташкиллаштириш;

- ташқи савдода воситачилик хизматларини кўрсатиш;

- хорижий давлатларга, ташкилотларга техник ва иқтисодий ҳамкорлик кўрсатиш, хорижий ташкилотлар ва фирмалар иштирокида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тегишли вазирлик ва давлат идоралари билан объектлар қуриш;

- хорижий давлатлар билан янги шаклдаги ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тадбиқ қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- экспорт ва импорт тизимини мукамаллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, экспорт ва импорт қилинаётган товарларнинг сифатига ва техник даражасига талабларни ошириш;

- реклама тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш, халқаро савдо ярмаркаларини, кўргазмаларини, симпозиум, конференция, семинарларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш, манфаатли корхоналар ва ташкилотларни ахборот ва маслаҳатлар билан таъминлаш:

- Жамиятнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

- факторинг, холдинг ва инвестиция операцияларни ўтказиш;

- агентлик функцияларини бажариш;

- ташқи иқтисодий фаолият бўйича маслаҳат хизмати ва янги турдаги ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва реклама тадбирлари;

- шартнома асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ маслаҳат, ахборот ва бошқа турдаги хизматлари кўрсатиш;

- лизинг ва ижара;

- юридик ва жисмоний шахсларга пуллик хизматлар кўрсатиш;

- хизматлар ва маҳсулот экспорти, машина, ускуна, узел, детал, асбоб ва анжомларни импорт қилиш;

- туризм соҳасида хизматлар;

- савдо ва воситачилик фаолияти;

- юридик ва жисмоний шахсларга сервис, агентлик ва маркетинг хизматларини кўрсатиш;

- хусусийлаштириш ва акциялаштиришда иштирок этиш;

- консалтинг хизматлари;

- бизнес-режалаштириш ва молиявий таҳлил;

- чакана ва улгуржи савдо;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари.

Махсус ружсатнома (лицензия) олинмиши талаб қилинадиган бошқа фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

3 МОДДА УСТАВ ФОНДИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) Жамият мол-мулкнинг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

3.4. Устав фонди 12 904 340 589 (ўн икки миллиард тўққиз юз тўрт миллион уч юз қриқ минг беш юз саксон туккиз) сум миқдорида белгиланган ва 3 299 499 (уч миллион икки юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз тўқсон тўққиз) дона номинал қиймати 3 911 (уч минг тўққиз юз ўн бир) сўмга тенг бўлган оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акцияларга бўлинган.

3.5. Жамият устав фонди "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонуннинг 18 моддасида ўрнатилган тартибда акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акциялар жойлаштириш йўли орқали оширилиши мумкин.

3.6. Жамият устав фонди "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонуннинг 19 ва 20 моддаларида ўрнатилган тартибда акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий миқдорини камайтириш йўли орқали камайтирилиши мумкин.

4 МОДДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

4.1. Жамиятнинг қимматли қоғозларни чиқариш, рўйхатга олиш, жойлаштириш ва ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига, Жамият уставига мувофиқ белгиланади.

4.2. Жамият қонун хужжатларига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

4.3. Жамият суммаси 12 904 340 589 (ўн икки миллиард тўққиз юз тўрт миллион уч юз қриқ минг беш юз саксон тўққиз) сўмга тенг номинал қиймати 3 911 (уч минг тўққиз юз ўн бир) сўмга тенг 3 299 499 (уч миллион икки юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз тўқсон тўққиз) дона оддий ёзилган эмиссиявий акциялар чиқаради.

4.4. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча 3 299 499 (уч миллион икки юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз тўқсон тўққиз) дона номинал қиймати 3 911 (уч минг тўққиз юз ўн бир) сўмга тенг 3 299 499 (уч миллион икки юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз тўқсон тўққиз) дона оддий ёзилган эмиссиявий акциялар чиқаришга ҳақли.

4.5. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

4.6. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси - акциядор деб эътироф этилади.

4.7. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

4.8. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

4.9. Жамият томонидан акцияларнинг дастлабки чиқарилишини жойлаштириш муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Жамиятнинг қўшимча акциялар тўлови ушбу акциялар чиқариш ҳақидаги Қарорда белгиланган жойлаштириш муддати давомида амалга оширилиши лозим.

Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш усуллари (очиқ ёки ёпиқ обуна) уставда белгилаб қўйилади, уставда бу хусусда кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Жамият уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қароридида жойлаштириш усули тўғрисида кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, жойлаштириш фақат очиқ обуна воситасида амалга оширилиши мумкин.

Қонун хужжатларида акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларнинг очиқ обуна воситасида жамият томонидан жойлаштирилиши шарт бўлган ҳоллар белгилаб қўйилиши мумкин.

4.10. Жамият акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларини очиқ ёки ёпиқ обуна орқали чиқариш ҳақидаги Қарорга биноан жойлаштиришга ҳақли.

Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

4.11. Акциялар ва эмиссион қимматли қоғозларни жойлаштиришнинг имтиёзли тарзда

амалга ошириш тартиби қонунчиликда белгилаб қўйилади.

4.12. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли қисим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

4.13. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилиш қарори билан жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5 МОДДА ДИВИДЕНДЛАР

5.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

5.2. Дивиденд Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

5.3. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

5.4. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

5.5. Дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар миқдори Кузатув Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

5.6. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.7. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

5.8. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, Жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

5.9: Жамият:

-Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

-агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

-агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

5.10. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга

олмаган ҳолда, ҳамда тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

5.11. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият котибида қолади.

5.12. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

6 МОДДА ФОНДЛАР

6.1. Жамият:

-заҳира в фонди;

-Жамиятнинг фаолияти учун зарур бошқа фондлар яратиши мумкин.

6.2. Заҳира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва бошқа маблаг бўлмаса, Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг заҳира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

6.3. Жамиятнинг заҳира фонди Устав фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ташкил қилинади.

6.4. Жамият заҳира фондига соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорини Жамият заҳира фонди миқдори ушбу Уставнинг 6.3. бандида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили ўтказиб туради. Заҳира фонди тўлиқ ёки қисман ишлатилган бўлса, мажбурий тўловлар қайта тикланади.

6.5. Жамиятнинг бошқа фондларини таркиби, мақсади, ташкил қилиш манбалари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

7 МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Акциядорлар:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
 - депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида, уюшмаларга ва бошқа ташкилотларга бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.
- Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

7.3. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Қонунга ва Жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

7.4. Акциядорлар:

-қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солиш қонуни ва ушбу Уставга риоя

қилиши;

- ушбу Уставда кўзда тутилган тартибдаги йўл билан ва миқдорда акцияларни тўлаши;
- Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

7.5. Акциядорлар ушбу Уставда ва амалдаги Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

8 МОДДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

8.1. Жамиятнинг бошқарув органи қуйидагилар:

- Акциядорлар умумий йиғилиши – Жамиятнинг юқори бошқарув органидир;
- Кузатув Кенгаши – Жамиятнинг умумий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи органидир;
- Бошқарув – Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижро органидир;

8.2. Жамият Назорат органи қуйидагилар:

- Тафтиш комиссияси – Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи орган;
- Ички аудит хизмати – Жамият бошқарувининг ижро органи, таркибий бўлинмалари, тобе жамиятларини фаолиятини назорат қилади ва баҳолайди.

9 МОДДА АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши – Жамиятнинг юқори бошқарув органи бўлиб, ушбу Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши ҳақидаги Низом асосида фаолият юритади.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт.

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш, кун тартибига ўзгартириш киритишга ҳақли эмас. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, "турли масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

9.7. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.8. 9.12. банднинг а, б, в, д, н хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.9. Мол-мулкни сотиб олиш ва тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан фақат Кузатув Кенгашининг тавсияси билан қабул қилинади.

9.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Жамият умумий йиғилиши ҳақидаги Низомда белгилаб қўйилади.

9.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати

Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.12. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- а) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
 - б) Жамиятни қайта ташкил этиш;
 - в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва муқимий тугатиш балансларини тасдиқлаш;
 - г) Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - е) Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;
 - ж) Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;
 - з) ўз акцияларини олиш;
 - и) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
 - л) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
 - м) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
 - н) Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
 - о) акциялар ва акцияга айирбошланадиган эмиссион қимматли қоғозлар сотиб олишда акциядорларни имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонунда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
 - п) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
 - р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
 - с) Қонунда назарда тутилган ҳолларда йирик ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - т) Жамият бошқарув органлари фаолиятини белгилайдиган ҳужжатларни тасдиқлаш;
 - у) Устав, ички ҳужжатлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.
- Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:
- Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини ва ўринбосарларини сайлаш (тайинлаш), раҳбар ва ўринбосарининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9.13. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Бошқарув органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилишига ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлари эга бўлади.

Жамиятнинг умумий йиғилишларига тайёргарлик, чақириш, ўтказиш тартиби, санок комиссияси фаолияти, акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш тартиби, овоз бериш ва умумий йиғилиш баённомасини тузиш акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланадиган Акциядорлар умумий йиғилиши ҳақидаги Низомда ва амалдаги қонунда белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш натижалари амалдаги Қонунда ҳамда Жамиятнинг Акциядорлар умумий йиғилиши ҳақидаги Низомда назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эълондан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10 МОДДА КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамият Кузатув кенгаши – Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги Қонун ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Кузатув Кенгаши ушбу Устав ва Кузатув кенгаши ҳақидаги Низом асосида фаолият юритади.

10.2. Кузатув Кенгаши давлат ишончли вакили билан бирга 7 аъздан иборат.

10.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан амалдаги Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Уставнинг 9.12. бандида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ва унинг ўринбосарларидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш, харажатлар сметасини тасдиқлаш;

- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- амалдаги Қонунда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини, шу жумладан акцияга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

- йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш, Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамиятнинг соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

- Жамият устав фондиди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамиятнинг уставига устав фондиди кўпайтириш билан боғлиқ тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, акциялар жойлаштириш ва эмиссия проспекти ёки қимматли қоғозларни аввалги рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида Қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш.

Ушбу қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим.

-акцияни жойлаштириш нархини белгилаш (биржа ва биржадан ташқари ташлиллаштирилган қимматли қоғозлар бозорига чиқариш);

- ҳисобдан чиқариш ҳақида қарор қабул қилинган кундаги ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробаридан ортиқ бўлган ҳаражатларни Жамият ҳаражатлари ҳисобига ҳисобдан чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш;

-агар ёрдам кўрсатиш ҳаражатлари Бизнес-режада тасдиқланган суммадан ошиб кетса, хайрия, хомийлик ва бошқа жамоат фаолияти билан боғлиқ беғараз тўловларни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилиш;

Кузатув кенгашининг ваколат доирасига амалдаги Қонун ва уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги Қонунда ва Жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Давлат активлари ишончли бошқаруви вакили мансаби бўйича Кузатув кенгаши аъзоси бўлиб, буйруқ асосида тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қайта сайланмайди.

10.5 Жамият бошқаруви аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши фаолиятини ташкиллаштириш тартиби, унинг аъзоларини сайлаш, ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият Кузатув Кенгаши ҳақидаги Низомда белгилаб қўйилади.

10.7. Жамият Кузатув Кенгаши Қонунда белгиланган корпоратив бошқарув меъёрларига риоя қилиш ҳақида ҳар йили акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот беради.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

11 МОДДА БОШҚАРУВ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятни бошқаришни ижроия органи амалга оширади. Жамият Бошқаруви бир йил муддатга сайланувчи 3 аъздан иборат.

Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланадилар ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланадилар. Ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Жамият Бошқаруви аъзолари (Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари бундан мустасно) Кузатув Кенгаши қарори билан тайинланадилар.

11.2. Жамият ижроия органининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.3. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.4. Жамият бошқарув раиси Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Жамият номидан битимлар тузади, Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

11.5. Жамият бошқарув раисининг, Компания бошқаруви аъзоларининг, ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги Қонунда, Компания Уставида, Бошқарув ҳақидаги Низом ва уларнинг ҳар бири Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (қайта тузиш) ёки уни тўхтатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

11.6 Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинлаган Жамият ижроия органи

таркибига кирувчи шахснинг ваколати муддатдан олдин бекор қилинган тақдирда, навбатдаги умумий йиғилишга қадар Кузатув Кенгаши қарори асосида белгиланган шахс томонидан унинг мажбуриятлари вақтинча бажарилиши мумкин.

11.7. Жамият бошқаруви фаолиятини ташкиллаштириш, унинг аъзоларини сайлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган Бошқарув Низомида ва амалдаги қонунда белгиланади.

11.8. Кузатув Кенгаши аъзолари, Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

11.9. Кузатув Кенгаши аъзолари, Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари қонунга ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

12 МОДДА ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

12.1. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамиятнинг ушбу Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга таркиби 3 (уч) аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

12.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Тафтиш комиссияси аъзолари айни бир вақтда Кузатув кенгаши аъзолари бўлиши ва меҳнат шартномаси (контракт) асосида Жамиятда ишлашлари мумкин эмас.

12.3. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомда белгиланади.

13 МОДДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

13.1. Ижроия органи, филиаллар ва ваколатхоналар томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, ҳўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилиш учун кузатув кенгашига ҳисобдор ички аудит хизмати ташкил этилади.

13.2. Ички аудит хизматининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради::

-Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича Жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш;

-Ички аудит жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан бошқарув органига тезкор тавсиялар киритиш, уларни бартараф қилиш назоратини амалга ошириш;

-13.3. Ички аудит хизмати ходимлари сони қўйилган мақсадларни ва вазифаларни самарали амалга ошириш учун етарли бўлиши керак ва Жамият кузатув кенгаши томонидан иккитадан кам бўлмаган миқдорда сертификатланган ички аудиторлар белгиланади.

• 13.4. Ички аудит хизмати ходимлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ички аудит ўтказиш, аудит натижалари бўйича йиғма ҳисобот тайёрлаш, ҳисобот тақдим қилиш талаблари ва ходимлар маъсулияти амаладги қонунга мувофиқ амалга оширилади.

14 МОДДА ЖАМИЯТ ФИЛИАЛЛАРИ, ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ЖАМИЯТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ИШЛАШ ТАРТИБИ

14.1. Жамият Кузатув кенгаши қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда Жамият томонидан ажратилган мулкка эга бўлган, тасдиқланган Низомлар ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган уставлар асосида фаолият юритувчи филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга, шўъба ва тобе жамиятларга эга бўлишга ҳақли.

14.2. Филиал ва ваколатхона юридик шахс эмас. Улар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади.

14.3. Филиал ва ваколатхонани бошқариш Жамият бошқаруви тайинлаган Жамият тақдим этган ишончнома асосида ваколатланган раҳбар томонидан амалга оширилади.

14.4. Шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари акциядорлик жамияти ва маъсулияти чекланган жамият шаклида ташкил қилиниши мумкин.

15- МОДДА.

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ.

15.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

15.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

15.3. Жамият:

Устав, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

Жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек бошқарув раисининг буйруқларини;

Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

Жамият акциядорларининг реестрларини;

Жамият тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

15.4. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти текшируви солиқ ва молия органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколоти доирасида ҳамда аудитор компаниялари томонидан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

15.5. Аудитор текширувини ўтказиш учун аудитор ташкilotини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

16 МОДДА

НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

16.1. Жамиятнинг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17 МОДДА

КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

17.1. Жамиятни қайта ташкил қилиш ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта ташкил қилиш шаклида амалга оширилади.

17.2. Қайта ташкил қилиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим.